

000086

Тариф киймати:  
Сув 1 м³ 4650 сўм  
Оқава 1 м³ сўм

100/02 -сонли шартнома

## II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Оқатгарчи шаҳар/туман.

« 7 » 01 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент суви таъминоти" МЧДК, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Нигом асосида фаолият юритувчи

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Оқатгарчи тумани Мадронинг бўлими (Ф.И.Ш.)  
Исраил асосида иш олиб борувчи директор (Ф.И.Ш., лавозими)

иқтисодчи томондан, қўйидагилар ҳақида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун суви етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун суви етказиш 4650 парх бўйича 159 м³ ни:

1м³ суви учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%), + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда  
1м³ оқава суви учун \_\_\_\_\_ сўм (+ККС 15%) + \_\_\_\_\_ сўм (махсус устама ҳақ)  
Шу тарихка шартноманинг умумий киймати 739350 (етти юз ўттиз тўққиз миң 50 сўм)ни ташкил қилди (сумма суви билан)  
Шу жумладан, бюджет маблағларидан 739350 сўм, бюджетдан ташқари  
маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан  
тўланган қўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари томонидан тўлов мўлҳазам (ойма-ой) тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисоб-ҳисобларак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилади, суви қувурлари тариф кийматида (ККС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтилади.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган суви таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунийлиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда -- Қоидалар деб юритилади) 2018 йил 23 ноябрдаги 950-сонли "Истеъмолчиларга суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га киритилган қўшимча ва ўзгаришларга асосан ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 2 апрелдаги № \_\_\_\_\_ -сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м³ суви учун ва канализация хизматларига ҳам 1 м³ 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал суви етказиб бериш ва оқава суви чиқариш тизимига улашиш учун руҳсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидоги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларининг) дислокациясини, уларнинг сувида эҳтиёжи ва шаҳар суви тизимига улаштирилади эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр ҳужжатини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида суви ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилидаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

### II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлакчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари суви сепиш, ҳамда, ичимлик суви билан автомобилларни ювиш учун фойдаланиш кагъияи маъ этилади.

2.2. Коммунал суви таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгилирини ўқирини, шунингдек, ичимлик суви талаб этилаётган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлҳазаланган.

"Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мажбур бўлган ҳолларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал суви таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан суви олиб, оқава сувида "Истеъмолчининг" канализация тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар суви таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузади.

2.4. Суви ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертифицилаштириш агентлиги томонидан текширилган ва таъминланган бўлиши ва суви ўлчаш тармоғи суви-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан таъминланган бўлиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиши, кўрсаткичларни ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № 698-сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган суви ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказишнинг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал суви истеъмоли ва минимал суви истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилаш минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда суви истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» суви ўлчаш тармоғини қайтадан қуриш билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилаш тартибга амалга оширилади.

2.6. Суви ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини янги таъмирлаш, ҳисоблаш қурилмаларини янги таъмирлаш ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни янги қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" буюртмасига асосан, амалдаги метёр, қоидалар ва бошқа метёрнинг ҳужжатлар асосида лойиҳаланиши ташкилоти томонидан улашиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларининг янги таъмирлигини "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қуриш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар суви таъминоти ва суви чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш бўлса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал суви таъминоти ва суви чиқариш хизматларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулия чегараси (суви ва оқава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) суви-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, ҳусусан уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қўйидагилардан иборат:

а) суви истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўқирилади. Суви қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини янги таъмирлаш истеъмолчининг ички суви узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига улашиш нуктасидаги суви чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқава қудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ суви-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи"дан, у билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув ва оқова сувни чиқариш хизматларининг узлуksиз амалга оширилишини, ўз вақти ва соғлигини, мулкига хавф туғдирмайдиган даражадаги сифат ва миқдорда ичимлик сув берилишини талаб қилиш;
- б) "Истеъмолчи" ҳисобидан ҳисобланган қуримасини ўрнатилиш;
- в) тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларида хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун "Таъминотчи"дан қонунийликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (псия)лар тўлашни талаб қилиш;
- г) "Таъминотчи"ни шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камидан 15 кун олдин оголғатирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувни чиқариш бўйича кўрсатиш хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномаги бир томонлама бекор қилиш;
- д) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани (шахсан ёки ўтказилган орқали) бериш олиш;
- е) "Таъминотчи"дан ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бериш олиш;
- ё) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш бўйича хизматлар кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далилсиз шартнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида таъминотчидан посозлик ва камчилиеларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;
- ж) Давлат сангтария энгтемаси остида маркази органилари томонидан тасдиқланган амалдаги стандартларга жавоб берадиган сифатли ичимлик сув билан таъминланмаганлик (сифатли ичимлик сув мажбуриятини амалга оширилишини талаб қилиш).

#### 3.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартнома шартларини бажариш;
- б) ўзининг ҳудудида жойлашган ва уларга тегишли бўлган коммунал сув ва оқова тармоқлари ва қурилмаларининг мувофиқ равишда кўрсатилишини, уларга сув тошиши ёки шикастланишига, музлаб қолишига йўл қўймаглик, қудуқ қопқосларини қор ва муздан тозалаш, "Таъминотчи" томонидан ўрнатилган тамгаларнинг бутлигини назорат қилиш, қудуқлардан тоза оқоваси мажбуриятини таъминлаш, ёнгиша қарши гидрантларга ўзини йўларини бекитмаслиги, кўрсатишган ёнгиша қарши гидрантларнинг кўрсаткичлари яхши ишлашини назорат қилиш;
- в) "Истеъмолчи" ҳудудида ёки унинг тасарруфидаги сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устига турли бутом ва материалларини илтипатиш ва ҳамда сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иштилолар қурилмаслигини, шу жумладан, ташқи (кўча ва квартал тегидаги) сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг устидан иштилолар қурилишига йўл қўймаглик;
- г) коммунал сув қувури, оқова тармоқлари ва қурилмаларининг трагикт пунктларида хар қандай шикастланиш, бузилишлар ҳақида қудуқ билан "Таъминотчи"ни хабардор қилиш;
- д) сувни ҳисобга олиш приборларида яққол кўришиб турган посозликлар, шунингдек тамгани бутлигига шикаст етган ёки узиб ташланганлигини тўғрисидаги ҳолат аниқланганда ҳамда ҳисобга олилмаган ёнгиша қарши гидрантлар мажбуриятини ҳақида дарҳол ёзма равишда ёки алоқа тармоқлари (факс, электрон почта) орқали "Таъминотчи"га хабар бериш;
- е) "Таъминотчи" билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, хар ойнинг 23 дан 25 гача сағасида кўрсаткичларини ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ва ушбу кўрсаткичларини "Таъминотчи"га жорий ойнинг охиригунидан кечикмаган ҳолда маълумотларини тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш;
- ё) шартномада белгиланган миқдордан ортик ҳажмда сувнинг ортик сарф қилинишига ва оқова сувларининг метьёрдан ортик чиқарилишига йўл қўймаглик;
- ж) "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқова хўжалигидан, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилиш;
- з) "Таъминотчи"га тегишли бўлган ёки унинг ҳудудида жойлашган сув ва оқова тармоқлари, қуриша ва мосламаларининг мувофиқ техник эксплуатациясини таъминлаш;
- и) ишлаб чиқариш оқова сувларининг олдиндан тозалаш ишларини олиб бориш ва уларнинг инфосларини концентратиясини метьёрдаги кўрсаткичларга ўтиб кетмаслигини таъминлаш;
- к) оқова тармоқига туширилувчи сувларининг сифатининг мониторингини таъминлаш;
- л) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган сув ўлчаш тармоғи, коммунал сув ўлчаш ва оқова тизимларида хар қандай ишларнинг бажарилишини а бетон шахеларини қўймаглик;
- м) жамоат сув ва канализация тизимларини объектиларига шикаст зарар етказган "Истеъмолчи" дарҳол "Таъминотчи"га хабар бериши ва етказилган зарарини қоплаш учун "Таъминотчи" техник назорати остида ўзи етказилган шикастланишини бартараф этиш ва беҳуда сарф қилинган сув нархини тўлаш шарт.

#### 3.3. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- а) "Таъминотчи" кўйидаги ҳолларда, истеъмолчининг 5 кун аввал хабардор қилган ҳолда, сув узатишни ва сув чиқаришнинг тўлик ёки қисман тўхтатиш ҳуқуқига эга;
- б) "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларининг техник ҳолати қоникорсиз ҳолатда бўлса ва "Истеъмолчи" техник фойдаланиш қондаларини бузиш натижаларини "Таъминотчи" вакиллари талабига кўра бартараф этмаса;
- в) "Таъминотчи"нинг вакили истеъмолчи ҳудудида жойлашган ва унинг тасарруфидаги бўлган сув узатиш ва оқова тармоқлари, мослама ва қурилмаларида ишлар олиб бориш, тамга ўрнатишига ва бошқа ишларда "Истеъмолчи" томонидан асоссиз халакат берилган тақдирда;
- г) "Таъминотчи" томонидан режалани олдин олиш таъмирлан ишларини, сув ўтказиш ва оқова тармоқларида ишлар бажарилишида "Истеъмолчи" уларга улашган бўлса, ва янги "Истеъмолчи"ларини улаш учун ишларини ўтказишда;
- д) "Истеъмолчи"нинг хизмат кўрсатилишида ва унинг тасарруфидаги коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига ўзбошимча суб-истеъмолчиларининг улашиб олганлиги аниқланганда;
- е) "Истеъмолчи" ўрнатишган муддатларда тўлов хужжатларига мувофиқ тўловни амалга оширмаганда;
- ё) "Таъминотчи"нинг розилигини олган суб-таъминотчиларининг "Истеъмолчи" тасарруфида бўлган коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларига улашганига рад жавобини берганда;
- ж) "Истеъмолчи"лар томонидан коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш хизматларининг кўрсатиш шартларига риоя қилинмаганда;
- з) энергия таъминоти тўхтатишганда;
- и) табиий офатларда;
- й) аварияларда;
- к) ёнгиш чиққан ерларга сув етказиш ҳажминини ошириш зарурияти тутилганда.

#### 3.4. "Таъминотчи"нинг мажбуриятлари:

- а) сув таъминоти ва сув чиқариш бўйича шартнома шартларини бажариш;
- б) сув етказилишининг узлуksиз таъминлаш;
- в) тизимли равишда давлат сув таъминоти ва канализация тармоқлари, истеъмолчи объектилари ва қурилмаларига уланган сув таъминоти ва канализация тармоқларининг ҳолатини ва ишини тизимли назорат қилишни амалга ошириш ва уларни тўғри ишлашни ташқи этишда амалдаги ёрдам кўрсатиш; бюджет билан биргаликда "Истеъмолчи"лар сувидан оқилона фойдаланиш ва уларни тўғри ишлашни ташқи этишда амалдаги етказиб бериш ва истеъмол қилишни қатъий назорат қилиш ва ҳисобга олиш, саноятга мувофиқлигини мунгазам равишда назорат қилиш ва уларга тегилаштирилган сув истеъмол қилиш теклоларига риоя қилишни назорат қилиш;
- г) "Истеъмолчи"ларга индивидуал ҳисоблаш қурилмаларини ўз ҳисобидан ўрнатишдан сўнг, ўрнатишган тартиб ва муддатларда уларнинг ишини текшириш;

д) "Истеъмолчи"лар сув қувур хўжалиқнинг текширишни (индивидуал ҳисоблаш қурилмасининг яхши ишлаётганлигини текширган, улардаги назорат кўрсаткичларини олган ва тамгаларнинг мавжудлиги ва бутунлигини аниқлаган ҳолда) бир ойда қўп билан бир марта ўтказиш ва мувофиқ далолатномаларни тузиш;

е) "Истеъмолчи"га, ушбу шартноманинг шартларини бажармаган ҳолларида, жарима яъни пеня тўловларини амалга ошириш;

ж) сув таъминоти ва истеъмолчи оид меъриий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги ҳақида "Истеъмолчи"ларнинг хабардор қилини;

з) сув етказиш ва сув чиқариш учун хизмат хақи тўловларининг тарифлари оғтаганда, улар қучга кирган қундан 15 қун аввал оммавий ахборот воситалари орқали маълумот бериш;

и) ичимлик сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани "Истеъмолчи"га бепул бериш;

## VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. "Таъминотчи" ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларини бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларида келиб чиққан зарарни, "Истеъмолчи" эса етказилган ҳақиқатий зарарнинг ўрнини қоплаш шарт.

4.2. Истеъмолчи қуйидагилар учун жавобгардир:

а) сув ҳисоблаш қурилмасидаги тамгалар, айланмиш чизиги жўрмаги, гидрантлар ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг унинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган тамгаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутунлиги ва сақланиши учун;

б) сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувини ҳисобга олиш қурилмаларининг қасддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш қурилмаларидаги кўрсаткичларини танқаридан аралашган ҳолда ўзи артириш ҳолатлари учун;

в) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларида;

г) ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар сабабидан, тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларида;

д) коммунал дренаж тизими мавжуд бўлса "Истеъмолчи" ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қонлабузарлик аниқланганда "Таъминотчи" ҳолати ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома "Истеъмолчи"нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

4.3 "Таъминотчи" қуйидаги ҳолларида жавобгардир:

а) амалдаги меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ узатилаётган сувининг сифати ва қонунчиликда ва шартнома шартларида қўзда тутилган бошқа ҳолларида;

б) "Истеъмолчи"ларга сув таъминотига улашиб ва сув чиқариш хизматларида фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларнинг ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) "Истеъмолчи"нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда, қоплаш;

г) шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларини бажармаслик;

д) қонунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларида.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Коммунал сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувининг ҳисоби ҳисоблаш қурилмаси мавжуд бўлганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичларига мувофиқ, амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, шаҳар сув тармоғидан етказиб бериладиган сув миқдорига тенг. Марказлашган ҳолда иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларида, истеъмол қилинувчи совуқ сув миқдорига 2.0 коэффициентни қўйилади. "Истеъмолчи"нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг маҳсулдорлигига (ёки ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш қурилмаларининг кўрсаткичларига) қўйирилади. Ички сув таъминоти тизими "Истеъмолчи"нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмастик лозим.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 қун аввал дебиторлик қарзларини узиб, бу ҳақида Таъминотчи билан далолатнома имзолаш шарт. Истеъмолчи чиқиб кетган, сувини ҳисобга олиш асбоби, пломбаларнинг бутунлиги ва қошланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юқлади.

6.2. "Истеъмолчи"нинг сув узатиш-оқова хўжалиқидagi барча ўзгаришлар таъминотчи томонидан "Истеъмолчи"нинг хати келиб тушган қундан бошлаб ҳисобга олинади.

6.3. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг қалендар қунлари ҳисобидан қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times t$$

бунда:  $M$  – 0.60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфин коэффициентни;

$F$  – суюқлик оқиб ўтадиган қувур ёки тешик қесми майдонини (ички диаметр бўйича)  $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувининг метрлардаги босими;

$t$  – вақт- 24 соат, секундларда;

### Қуйидаги ҳолатларида:

6.3.1. "Истеъмолчи"да сув ўлчаш асбоб ва мосламалари йўқ бўлиш ҳолатларида (ёки носоз ҳолатда);

6.3.2. Сув ўлчаш асбоби ёки мосламаси "Таъминотчи"да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.3.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, сув сепилганда, автоматчилар тошибганда;

6.3.4. Сув ўлчаш асбоби, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми ушбу шартнома 6 қисмининг 6.3 бандида кўрсатилганига мувофиқ, энг сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янши сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, (рўйхатдан ўтказилган) қунгача ҳисобланади;

Сувини ҳисобга олиш асбоби истеъмолчининг айбисиз носоз бўлган тақдирда сарфланган сув миқдори олдинги уч ҳисоб-китоб олдидан ўртача сарф бўйича аниқланади. Ҳисоб-китобнинг бундай тартиби бир ойдан қўп қўлланилиши мумкин эмас. Агар сувини ҳисобга олиш асбоби кўрсатилган муддат мобайнида ўрнатилмаса, сарфланган сув миқдори I гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қонданнинг 87-бандининг "а" қисми банди бўйича II ва III гуруҳ истеъмолчилари учун ушбу Қондалар 87-бандининг "б" қисми банди бўйича ҳисоб-китоб қилинади;

6.3.5. "Истеъмолчи"нинг ичимлик суви ва канализация тизими коммуникацияларидан сув иероф бўлиши ҳолатлари аниқланган ҳолатларида;

6.3.6. "Таъминотчи"нинг сув ўлчаш бўғинининг диаметри қичиқроқ бўлган мосламага алаштириш тўғрисидаги талабиомаси қонидрилмаган, бажарилмаган ҳолатларида;

6.3.7. Сув ўлчаш асбобининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган ҳимоя қоқламга руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув соф сарфини аниқлаш имқолияти чегараланишида;

6.4. Ичимлик суви ва оқова сув коммунал тизимларига (жумладан Ёштиндан сақланиш гидрантлари ва қондади қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда, "Таъминотчи" томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахсининг жавоби ариш даражасини аниқлаш ва "Таъминотчи"га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

• Ушбу муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома енасидадан ўзбошимчалик билан улашиб олинган қун енасидаги ёки янши сув ўлчаш асбоби ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган қунгача, ёки ўзбошимчалик билан улашиб олиш қунгача қадар ҳисобга олинади.

Ўзбошимчалик билан уланган олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар "Таъминотчи" балансидаги тармоқларга улашни содир этилган бўлса, бу муддат даъво муддатига тегиш деб олинади;

6.5 Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойihalаштириши ва қуришни бошлаш учун) лойиҳа муддатини қўзғириниш ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, "Таъминотчи" томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.6. "Истеъмолчи" коммунал сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш тармоқларига улашни санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этилмаган ҳолатларда "Таъминотчи" томонидан, ҳоким қарори ва қадасстр ҳужжатлари ва шу қабила асосида, ҳужжат билан тасдиқланган улашни санаси бўйича ҳисоб-китоб қилинига ҳақлидир.

6.7. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар, "Таъминотчи" томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар "Истеъмолчи" томонидан 3 кунлик муддат ичида акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда, "Таъминотчи" кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0.4% пеня ёздаги ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50% дан ошмаслигини лозим.

6.8. "Истеъмолчи" ҳисоб рақами бўлмаган тақдирда, тўловлар банк бўлиmlарининг кириш қиссаси орқали, ҳисобот давридан кейинги 10 кун муддат ичида тўланади.

6.9. «Таъминотчи» тўловнинг ҳар бир даври учун, аввалги ой тўловининг 100% миқдоридан олдиндан тўловлар (предоплата) ни белгилатади ва бу тўлов кейинги ой ҳисобига қўйилади. Агар "Истеъмолчи" икки ҳафта муддат ичида тўловни амалга оширмаса, "Таъминотчи" ҳеч қандай огоҳлантиришларсиз ичимлик сувини етказиб беришни ва оқова сувларини чиқариб юборишни қарз ундирмагунга қадар тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда ёнингдан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлик "Истеъмолчи" зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан пиларни узиб қўйилган ҳолатларда қайта улашда II гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баробари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади.

Қавқализация тизимига руҳсат этилмаган ёнгир ва эркин қор сувлари оқизилаётган ишлаб чиқариш оқова сувларини "Истеъмолчи" лар томонидан ташлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль куннда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган "Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари" ҳақда инфоеланштирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг коммунал қана лизация тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганини учун "Истеъмолчи" ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.10. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу қаби ҳолатлар) тўғрисида "Истеъмолчи" га ёзилган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи" га тақдим этилиши керак. Эътирознома "Истеъмолчи" ни тўлов ҳужжатида кўрсатилган сумман тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

### VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зылзақа, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музқур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга муноосиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлиmlмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 202\_ йилнинг 31 декабригача амал қилади.


#### «ТАЪМИНОТЧИ»

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ  
Оқангарон тумани бўлими  
Манзил: А.Шейр Девелоп - 1 қў  
Тел: 80 1201 - 16001  
х-р: 27 63 8000 2001 0149 1433  
Банк: Ушбу Уночесо банк  
Банк коди: 0048 СТИР: 201592953  
ХХТУТ:



#### «ИСТЕЪМОЛЧИ»

Оқангарон тумани Маорониёт бўлими  
Манзил: Коркунлар сўғди  
Тел: 045-181-15  
газ/х-р: 23402 000 300100001010  
Банк \_\_\_\_\_  
Банк коди \_\_\_\_\_ СТИР: 201122 918  
ХХТУТ \_\_\_\_\_  
Шахсий рақам: 100012860 2721270821310256001  
Шахсий х-р \_\_\_\_\_  
Банк: Маорониёт Банк  
Банк коди: 0084 СТИР: 200 609453



#### Юридик ҳулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Ҳужалик юрлтувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос \_\_\_\_\_

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 202\_ й.